Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲУКМ

2025 йил январь ойининг 28 куни, жиноят ишлари бўйича Косон тумани суди биносида, жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг очиқ суд мажлиси бўлиб, шу суд раиси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Ачиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Косон туман прокурори ёрдамчиси О.Мустафоев, судланувчи А.Файзуллаев ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Итолмасов ҳамда фуқаровий даъвогар вакили С.Ороловнинг иштирокида, Файзуллаев Алишер Ахадила ўғлига оид 1-1811-2501/18-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Файзуллаев Алишер Ахадила ўғли (Fayzullayev Alisher Axadila o‘g‘li), 1995 йил 26 апрель куни Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Косон туманидаги “Барчиной Издошлари” фермер хўжалигида норасмий иш юритувчи бўлиб ишлайди, Косон тумани “Юқори Оброн” маҳалла фуқаролар йиғини, Иззат Икромов кўчаси, 29-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 5 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакили ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни текшириб чиқиб, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охирги сўзи эшитиб, далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Файзуллаев Алишер Ахадила ўғли 2015 йил 8 сентябрда онаси Аминова Дилдор Холмуродовна томонидан ташкил қилинган ва Косон тумани Давлат хизматлари маркази орқали давлат рўйхатидан ўтказилган “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб норасмий равишда раҳбарлик қилиб келиб, Косон тумани ҳокимининг 2021 йил 29 январдаги қарори билан фермер хўжалигига ажратилган 45,2 гектар суғориладиган, 1,7 гектар сув ости билан банд бўлган ер майдонлари ҳамда 1,4 гектар ер участкаси, жами 48,3 гектар ер майдонидан фойдаланиб, ер майдонларини сув насослари орқали суғориб, тижорат мақсадида пахта ва ғалла етиштириш фаолияти билан шуғулланиб келиб, Косон тумани электр таъминоти корхонаси билан фермер хўжалиги

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

ўртасида шартнома тузмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”нинг 133-банди талабларига зид равишда, терговда аниқлаш имконияти бўлмаган усулларда Косон туман электр тармоқлари муҳри ва ПК “Электр ҳисоб” дастурига киритилмаган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични тегишли ҳужжатларсиз, фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичига ўрнатиб, 2 дона жами қуввати 9 кВт бўлган сув насосларини тижорат мақсадида тўғридан-тўғри умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб, 2023 йил 19 сентябрдан 2024 йил 18 июлга қадар бўлган давр оралиғида “Гулистон” сув каналидан график бўйича жами 67 кун давомида сув олиб, фермер хўжалиги дала майдонини суғориб, 14472 кВт. 39.074.400 сўмлик ва 100 кВт.ли трансформатор исрофи 9828 кВт. 26.535.600 сўмлик электр энергиясидан яширин равишда ўғирлик йўли билан фойдаланиши оқибатида, жами 63.610.000 сўмлик электр энергиясини яширин равишда талон-торож қилган.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Қашқадарё вилояти бўлимининг 2024 йил 11 ноябрдаги 29/28/(2329)17,1-Z5114-сонли хулосасида, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 9 кВт.с * 24 соат = 216 кВт.с * 67 кун = 14472 кВт.с * 2700 сўм = 39.074.400 ҳамда 100 кВт.с трансформатор исрофи бир ойлиги 273 кВт.с * 36 соат = 9828 кВт.с * 2700 сўм = 26.535.600 ёки 39.074.400+26.535.600 сўм = 63.610.000 сўм сўм миқдорда зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Файзуллаев ўзининг ушбу жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Судланувчи А.Файзуллаев судда, ўз айбига қисман иқрорлик билдириб, 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб онаси Аминова Дилдор Холмуродовнага тегишли “Барчиной Издошлари” фермер хўжалигига иш юритувчи бўлиб ишлаб келаётганини, фермер хўжалиги расмий раҳбари онаси Д.Аминова бўлганини, фермер хўжалиги 48,3 гектар ер майдонига пахта ва ғалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш ва етиштириш фаолияти билан шуғулланиб келишини, “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан 2024 йил 18 июль куни Косон тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан фермер хўжалигининг 48.3 гектар ер майдонида ўрнатилган 100 кВт трансформатор пунктини тегишли рухсатнома ва ҳужжатларсиз, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 100 кВт трансформатор пунктига СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични Косон туман ЭТКнинг ПК “Электр ҳисоб” дастуридан рўйхатдан ўтмаган,

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

дастурга киритилмаган, таъминот корхонанинг муҳри мавжуд бўлса-да, ўзбошимчалик билан ўрнатиб, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 2 дона ҳар бири 4,5 кВтдан бўлган жами қуввати 9 кВт бўлган сув насосларини ўрнатиб, сув насосларидан фойдаланиб келинаётганлиги ҳақида “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” 0018-000619-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганини, ушбу қоидабузарлик далолатномаси билан танишиб чиқиб, далолатномага имзо қўйиб берганини, ушбу далолатномасига асосан Косон туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, қайта ҳисоб-китоб маълумотномасида 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с*2700 сўм = 176.709.600 сўм ва 100 кВт трансформатор исрофи 273/с*36 ой = 9828 кВт * 2700 сўм = 26.535.600 сўм, жами 203.245.200 сўм зарар етказилганлиги қайд қилинганини, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Қашқадарё вилояти бўлимининг 2024 йил 2 августдаги хулосасида хулосасида, қувват 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с * 900 = 58.903.200 * 3 коеффицент =176.709.600 млн сўм ҳамда 100 кВт трансформатор исрофи 273 кВт * 10 ой = 2730 кВт/с * 900 = 2.457.000 сўм, жами 179.166.600 млн сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд этилганини, бундан ташқари, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида унинг ҳимоячиси адвокат С.Итолмасовнинг илтимосномасига асосан туман прокуратураси томонидан қўшимча ўрганиш ва қўшимча комплекс иқтисодий экспертизаси тайинланганини, шунга кўра Косон Электр таъминоти корхонасининг 2024 йил 5 ноябрдаги қайта ҳисоб-китоб маълумотномасида “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 9 кВт.с * 24 соат = 216 кВт.с * 67 кун = 14472 кВт.с * 2700 сўм = 39.074.400 ҳамда 100 кВт.с трансформатор исрофи бир ойлиги 273 кВт.с * 36 соат = 9828 кВт.с * 2700 сўм = 26.535.600 ёки 39.074.400+26.535.600 сўм = 63.610.000 сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд қилинганини, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Қашқадарё вилояти бўлимининг қўшимча экспертиза хулосасида “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 9 кВт.с * 24 соат = 216 кВт.с * 67 кун = 14472 кВт.с * 2700 сўм = 39.074.400 ҳамда 100 кВт.с трансформатор исрофи бир ойлиги 273 кВт.с * 36 соат = 9828 кВт.с * 2700 сўм = 26.535.600 ёки 39.074.400+26.535.600 сўм = 63.610.000 сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд қилинганини, фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт трансформатор ҳамда СЕ-303 русумли завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич 2018 йилда фермер хўжалигимга томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш давомида томчилатиш технологиясини ўрнатган таъминот корхонаси томонидан ўрнатиб берилган бўлса-да, трансформатор ва ҳисоблагичнинг электр энергияси тармоғига уланганлиги ҳақида бирон-бир ҳужжат тақдим этилмаганини, таъминот корхонаси томонидан

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

ўрнатилган трансформатор ва ҳисоблагични ПК “Электр ҳисоб” дастурига киритиб беришлари учун бир неча маротаба туман электр таъминоти корхонасига оғзаки мурожаат қилишган бўлсада, бироқ улар томонидан мурожаатларга жавоб ҳам берилмаганини, фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологиясидан 2023 йилга қадар фойдаланилганини, сўнгги маротаба томчилатиб суғориш технологиясидан 2023 йил август ойига қадар фойдаланилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдони ёнида “Бо-Зариф” фермер хўжалиги ер майдони мавжуд бўлиб, мазкур фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланиб келишини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида ўрнатилган 2 дона қуввати 9 кВт бўлган сув насослари “Бо-Зариф” фермер хўжалигига тегишли бўлиб, 2024 йил июнь ойида “Бо-Зариф” фермер хўжалиги раҳбари Ш.Ўринов унга қўнғироқ қилиб, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида томчилатиб суғориш технологияси учун ўрнатилган 100 кВт трансформатордан 2 дона сув насоси ишлатиш мақсадида фойдаланиб туришини, ишлатган электр энергияси кВтнинг сарфини ўзи тўлаши ҳақида айтиб илтимос қилганини, шунда у Ш.Ўриновнинг илтимосига рози бўлиб, унга фермер хўжалигига тегишли бўлган трансформатордан фойдаланишига рухсат берганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигининг 48,3 гектар ер майдонига 2023-2024 йилларда яъни иккала мавсумда ҳам пахта ва ғалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилиб, етиштирилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич бирон-бир шахс томонидан ечиб олинмаганини, СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 ҳозирги вақтда ҳам “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида тармоққа уланган ҳолда турганини, муқаддам Косон туман электр таъминоти корхонаси томонидан “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига нисбатан 19.09.2023 йилда 10229-001284-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилган бўлиб, ушбу қоидабузарлик далолатномасида СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган ҳисоблагич завод рақамининг охирги рақами ёзилмаганлиги сабабли ҳисоблагич ўзгартирилган деган маънода тушунган ҳолда Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатиш қарорида киритилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ҳамда Косон туман электр таъминоти корхонаси ўртасида электр энергияси етказиб бериш бўйича 2018 йилда шартнома расмийлаштирилганини, бироқ, шартноманинг йили ва куни аниқ кўрсатилмаганини, Косон туман электр таъминоти корхонасининг реестр маълумотномасида “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ҳамда Косон туман электр таъминоти корхонаси ўртасида электр энергияси етказиб бериш бўйича шартнома мавжудлиги фермер хўжалиги балансида “Меркурий-230” АМ-02 русумли

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

элекр ҳисоблагич мавжудлиги кўрсатилганини, бироқ ушбу элекр ҳисоблагич қачон ва ким томонидан ўзгартирилганлигини билмаслигини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт трансформатор “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли эканини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигида доимий равишда икки нафар ишчи ишлаб келишини, СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 ҳисоблагич “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонидаги фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор пункти ичида ўрнатилганини, муқаддам Косон туман электр таъминоти корхонаси томонидан “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги раҳбари яъни онам Д.Аминовага нисбатан 19.09.2023 йилда 10229-001284-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилиб, 22.795.200 сўм зарар ҳисобланганини, бироқ, у мазкур қоидабузарлик далолатномаси билан танишмаганини, ушбу қоидабузарлик далолатномаси билан тергов органи томонидан маълум қилинганидан сўнг хабар топганини, уни онасига нисбатан расмийлаштирилган қоидабузарлик далолатномасидан хабари бўлмаганини, СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган ҳисоблагични Косон туман Электр тармоқлари корхонасининг ПК “Электрҳисоб” дастуридан рўйхатдан ўтмаганлигига аҳамият бермаганлиги сабаб бўлганини, келгусида бу каби ҳолатларга йўл қўймаслигини, электр энергиясидан фойдаланишда белгиланган нормаларга риоя этишини, етказилган 63.610.000 сўмлик зарар суриштирув ва тергов органининг депозит ҳисоб рақамига тўлаб, етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплаб берганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни ва ортиқча тўланган тўланган маблағларни қайтаришни сўради.

Фуқаровий даъвогар вакили Оролов Сарвар Карим ўғли суддаги кўрсатувида, у 2017 йил ноябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Косон туман электр таъминоти корхонаси ҳуқуқшуноси вазифасида ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларига истеъмолчилар томонидан йўл қўйилган ноқонуний уланиш ҳолатлари юзасидан “электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” далолатномаларнинг рўйхатини ва ҳисоботини шакллантириш, далолатномаларни электр таъминоти ходимларига тегишли тартибда бериш ва қабул қилиш, туман электр таъминоти корхонаси манфаатлари юзасидан судларга даъво аризалари билан мурожаат қилиш, суд ишларида иштирок этиш кабилардан иборат эканини, “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан 2024 йил 18 июль куни Косон тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан фермер хўжалигининг 48,3 гектар ер майдонида ўрнатилган 100 кВт трансформатор пунктини тегишли рухсатнома ва ҳужжатларсиз электр энергияси тармоғига улаб

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

олиб, 100 кВт трансформатор пунктига СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични Косон туман Электр таъминоти корхонасининг ПК “Электр ҳисоб” дастуридан рўйхатдан ўтмаганлиги, дастурга киритилмаганлиги, таъминот корхонанинг муҳри мавжуд бўлмаса-да, ўзбошимчалик билан ўрнатиб, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 2 дона ҳар бири 4,5 кВтдан бўлган жами қуввати 9 кВт бўлган сув насосларини ўрнатиб, сув насосларидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” 0018-000619-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганини, “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ушбу далолатномасига асосан Косон туман Электр таъминоти корхонаси томонидан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, қайта ҳисоб-китоб маълумотномасида 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с*2700 сўм = 176.709. 600 млн ва 100 кВт трансформатор исрофи 273/с*36 ой = 9828 кВт * 2700 сўм ҳ 26.535.600 сўм жами бўлиб 203.245.200 сўм зарар етказилганлиги қайд этилганини, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Қашқадарё вилояти бўлимининг 02.08.2024 йилдаги хулосасида қуввати 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с * 900 = 58.903.200 * 3 коеффицент = 176.709.600 млн сўм ҳамда 100 кВт трансформатор исрофи 273 кВт * 10 ой = 2730 кВт/с * 900 = 2.457.000 сўм, жами 179.166.600 млн сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд этилганини, иш юзасидан ўтказилган дастлабки тергов давомида ҳақиқий етказилган зарарни аниқлаш юзасидан А.Файзуллаевнинг ҳимоячиси адвокат С.Итолмасовнинг илтимосномасига асосан қўшимча комплекс иқтисодий экспертизаси тайинланганини, шунга кўра Косон туман сув етказиб бериш хизмати давлат муассасаси маълумотномасига асосан “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан “Гулистон” каналидан олинган сув 67 кунга мувофиқ Косон Электр таъминоти корхонаси томонидан қайта ҳисоб-китоб амалга оширилиб, 27.11.2024 йилдаги қайта ҳисоб-китоб маълумотномаси ҳамда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Қашқадарё вилояти бўлимининг хулосасида, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 9 кВт.с * 24 соат = 216 кВт.с * 67 кун = 14472 кВт.с * 2700 сўм = 39.074.400 ҳамда 100 кВт.с трансформатор исрофи бир ойлиги 273 кВт.с * 36 соат = 9828 кВт.с * 2700 сўм = 26.535.600 ёки 39.074.400+26.535.600 сўм = 63.610.000 сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд қилинганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич ҳозирги вақтда ҳам “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида тармоққа уланган ҳолда турганлигини, муқаддам Косон туман Электр таъминоти корхонаси томонидан “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

нисбатан 19.09.2023 йилда 10229-001284-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилган бўлиб, ушбу қоидабузарлик далолатномасида СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган ҳисоблагич завод рақамининг охирги рақами (1) ёзилмасдан қолганлиги сабабли ҳисоблагич ўзгартирилган деган маънода тушунган ҳолда Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатиш қарорида ҳисоблагич ўзгартирилганлиги киритилганини, бироқ фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич Косон туман Электр таъминоти корхонаси "Электрҳисоб" дастурида мавжуд эмаслигини, "Барчиной издошлари" фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор ичида ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич тегишли рухсат асосида ўрнатилганлиги ҳақида бирон-бир ҳужжат (техник шарт, ҳисоблагич ўрнатилганлиги ҳақида наряд) мавжуд эмаслигини, "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги норасмий раҳбари А.Файзуллаевдан тегишли ҳужжатлар сўралганда, ушбу ҳужжатларни тақдим қилмаганини, "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги томонидан 100 кВт трансформатор ичида ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич ўзбошимчалик билан ўрнатилиб, электр энергияси тармоғига уланганини, шунга кўра, "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги раҳбари А.Файзуллаев томонидан электр тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиши оқибатида туман электр таъминоти манфаатларига 63.610.000 сўм зарар етказганини, етказилган 63.610.000 сўмлик зарарни суриштирув ва тергов органларини депозит ҳисоб рақамига тўлаб берилганини, бугунги кунда судланувчи А.Файзуллаевга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Турдиев Шоберди Михлиевич суддаги кўрсатувида, 2010 йилдан буён "Ўзэнергоинспекция" Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси вазифасида ишлаб келаётганини, унинг хизмат вазифаларига электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари юзасидан ўрганишлар ўтказиш, қоидабузарлик далолатномалари расмийлаштириш, расмийлаштирилган қоидабузарлик далолатномалари бўйича тегишли хулосалар бериш кабилар киришини, "Ўзэнергоинспекция" Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ва Косон туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан 2024 йилнинг 18 июль куни Косон тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги томонидан фермер хўжалигининг 48,3 гектар ер майдонида ўрнатилган 100 кВт трансформатор пунктини тегишли рухсатнома ва ҳужжатларсиз электр энергияси тармоғига улаб олиб, муқаддам Косон Туман электр таъминоти

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

корхонаси томонидан ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични таъминот корхонанинг рухсатисиз ноқонуний равишда ечиб олиб, туман электр таъминоти корхонасининг ПК “Электр ҳисоб” дастуридан рўйхатдан ўтмаган, дастурга киритилмаган, таъминот корхонанинг муҳри мавжуд бўлмаган, СЕ-303 русумли завод рақами №00923314722576 бўлган электр ҳисоблагични ўзбошимчалик билан ўрнатиб, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 2 дона ҳар бири 4,5 кВтдан бўлган жами қуввати 9 кВт бўлган сув насосларини ўрнатиб, сув насосларидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги ҳақида” 0018-000619-сонли қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганини, ушбу далолатномани расмийлаштириш давомида “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги иш юритувчиси А.Файзуллаев қатнашиб, далолатнома билан танишиб, имзо қўйиб берганини, ушбу далолатномага асосан Косон туман Электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан қайта ҳисоб-китоб қилиниб, қайта ҳисоб-китоб маълумотномасида 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с*2700 сўм = 176.709. 600 млн ва 100 кВт трансформатор исрофи 273/с*36 ой = 9828 кВт * 2700 сўм = 26.535.600 сўм, жами бўлиб 203.245.200 сўм зарар етказилганлиги қайд этилганини, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг Қашқадарё вилояти бўлимининг 2024 йил 2 августдаги хулосасида қуввати 9 кВт*24 соат = 216 кВт/с *303 кун = 65448 кВт/с * 900 = 58.903.200 * 3 коеффицент = 176.709.600 сўм ҳамда 100 кВт трансформатор исрофи 273 кВт * 10 ой = 2730 кВт/с * 900 = 2.457.000 сўм, жами 179.166.600 млн. сўм миқдорда зарар етказилганлиги қайд этилганини, 2024 йил 18 июлда “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида ўрнатилган 2 дона қуввати 9 кВт бўлган сув насослари электр энергияси тармоғига уланиб, сув насосларидан фойдаланиб турилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВтлик трансформатор орқали электр энергиясига уланган 2 дона 9 кВт.лик сув насосларидан бошқа сув насослари мавжуд бўлмаганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида артезиан қудуқ мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга эмаслигини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ҳамда Косон туман электр таъминоти корхонаси ўртасида электр энергияси етказиб бериш шартномаси мавжуд эмаслигини баён қилди.

Гувоҳ Холмуродов Достон Тўлқин ўғли судда, Косон тумани “Гулистон” ҳудудида жойлашган “Барчиной Издошлари” фермер хўжалигида 2018 йилдан норасмий ишчи бўлиб, ишлаб келиб, 2024 йил март ойидан буён буйруқ асосида сувчи вазифасида ишлаб келаётганини, иш фаолияти фермер хўжалиги ер майдонида экилган пахта ва ғаллалар суғориш, парваришлаш ҳамда етиштиришдан иборат эканини,

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

“Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан 2024 йил 18 июль куни текшириб ўтказилганни, унда фермер хўжалиги 48,3 гектар ер майдонида муқаддам Косон туман электр таъминоти корхонаси томонидан ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични таъминот корхонанинг рухсатисиз ноқонуний равишда ечиб олиб, туман электр таъминоти корхонасининг ПК “Электр ҳисоб” дастуридан рўйхатдан ўтмаган, дастурга киритилмаган, таъминот корхонанинг муҳри мавжуд бўлмаган, СЕ-303 русумли завод рақами №00923314722576 бўлган электр ҳисоблагични ўзбошимчалик билан ўрнатиб, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 2 дона ҳар бири 4,5 кВтдан бўлган жами қуввати 9 кВт бўлган сув насосларини ўрнатиб, сув насосларидан фойдаланиб келинаётганлиги ҳолати аниқланиб, қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганини, қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганлигидан кейинчалик хабар топганини, далолатнома расмийлаштирилган вақтда у фермер хўжалиги даласида бўлмаганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт трансформатор ҳамда СЕ-303 русумли завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич 2018 йилда пахта ҳосилини суғориш мақсадида томчилатиб суғориш технологияси қўйилган вақтда ўрнатилганини, бироқ ушбу трансформатор ва ҳисоблагич ким томонидан ўрнатилганини ва электр энергияси тармоғига уланганини аниқ билмаслигини, фермер хўжалиги ер майдонида жойлашган 2 дона 9 кВт.ли сув насослари “Бо-Зариф” фермер хўжалиги раҳбари Ш.Ўринов томонидан ўрнатилганини ва улардан ушбу ер майдонидаги пахта ҳосилини суғориш мақсадида фойдаланилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонидаги 2 дона 9 кВт сув насосларидан “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан ер майдонини суғориш мақсадида фойдаланилмаганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонидаги пахта ва ғалла ҳосили каналдан келувчи оқар сув ёрдамида суғориб келинишини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган ўзбошимчалик билан ечиб олинган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 ҳисоблагич ҳозирда қаерда ва ким томонидан сақлаб келинаётганлигидан хабари йўқлигини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигининг расмий раҳбари Д.Аминова бўлса-да, фермер хўжалигига норасмий равишда Д.Аминованинг ўғли А.Файзуллаев раҳбарлик қилиб келишини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигининг барча ишлари А.Файзуллаев томонидан юритилишини ва назорат қилинишини, фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт.ли трансформатор “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли эканини фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор пункти ичида ўрнатилганини баён қилди.

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

Гувоҳ Жабборов Сероб Даврон ўғли ва Аминова Дилдор Холмуродовналар судда, гувоҳ Д.Холмуродовнинг кўрсатувларини тасдиқловчи, ўхшаш кўрсатув беришди.

Гувоҳ Ўринов Шокир Бозорович судда, 2002 йилдан буён Косон "Гулистон" ҳудудида жойлашган "Бо-Зариф" фермер хўжалиги раҳбари вазифасида ишлаб келаётганини, фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, 123 гектар ер майдонида чорвачиликдан ташқари пахта ва ғалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиб келишини, "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги "Бо-Зариф" фермер хўжалиги билан ёнма-ён жойлашганини, "Ўзэнергоинспекция" Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари томонидан 2024 йил 18 июль куни Косон тумани "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Барчиной издошлари" фермер хўжалиги томонидан фермер хўжалигининг 48,3 гектар ер майдонида ўрнатилган 100 кВт трансформатор пунктини тегишли рухсатнома ва ҳужжатларсиз электр энергияси тармоғига улаб олиб, муқаддам Косон туман электр таъминоти корхонаси томонидан ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагични таъминот корхонанинг рухсатисиз ноқонуний равишда ечиб олиб, туман электр таъминоти корхонасининг ПК "Электр ҳисоб" дастуридан рўйхатдан ўтмаган, дастурга киритилмаган, таъминот корхонанинг муҳри мавжуд бўлмаган, СЕ-303 русумли завод рақами №00923314722576 бўлган электр ҳисоблагични ўзбошимчалик билан ўрнатиб, электр энергияси тармоғига улаб олиб, 2 дона ҳар бири 4,5 кВт.дан бўлган жами қуввати 9 кВт. бўлган сув насосларини ўрнатиб, сув насосларидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, қоидабузарлик далолатномаси расмийлаштирилганини, 2024 йил июнь ойиларида "Барчиной Издошлари" фермер хўжалигига тегишли суғориш технологияси учун ўрнатилган 100 кВт.ли трансформатордан 2 дона сув насосларини ишлатиш мақсадида фойдаланиб, ҳисоблагичнинг кўрсаткичларини расмга олиб, ушбу кўрсаткич бўйича тўловларни тўлаб бериши ҳақида "Барчиной Издошлари" фермер хўжалиги иш юритувчиси А.Файзуллаев билан суҳбатлашганида таклифига рози бўлганини, 2024 йил май ойининг ўрталари ва июнь ойида ер майдонини суғориш зарурати бўлганлиги сабабли ўзига тегишли 2 дона ҳар бири 4,5 кВт.дан бўлган жами 9 кВт.ли сув насосларини "Барчиной Издошлари" фермер хўжалиги майдонига ўрнатиб, улардан бир маротаба фойдаланганини, "Барчиной издошлари" фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт трансформатор ҳамда СЕ-303 русумли завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич қачон ва ким томонидан ўрнатиб тармоққа улаб берилганлигидан, шунингдек "Барчиной издошлари" фермер хўжалигига тегишли бўлган муқаддам ўрнатилган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 бўлган электр ҳисоблагич

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

қачон ва ким томонидан ўзбошимчалик билан СЕ-303 русумли завод рақами №00923314722576 бўлган электр ҳисоблагичга ўзгартирилиб, электр энергияси тармоғига уланганлигидан хабари йўқлигини, бу ҳақида бирон-бир аниқ маълумотларга эга эмаслигини, фақат 2 дона 9 кВт сув насосларини ишлатиш мақсадида А.Файзуллаевнинг розилигига кўра унинг фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатори ва ҳисоблагичдан фойдаланганини, А.Файзуллаев билан фойдаланган электр энергияси кВт.лари учун расмга туширган ҳолда ишлатган кВт пулларини тўлаб беришга келишганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 2 дона 9 кВт сув насосларидан фойдаланилган ёки йўқлигини билмаслигини, бироқ у 2 дона сув насосларимни ўрнатишидан олдин “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан 2 артезиан қудуқдан сув олиш ва ер майдонини суғориш мақсадида 2 дона “Барчиной издошлари” фермер хўжалигининг ўзига тегишли бўлган сув насосларидан фойдаланиб келинганини, “Бо-Зариф” фермер хўжалиги ер майдонида 260 кВт.лик трансформатор пункти ва ЕХ-518 русумли ҳисоблагич ўрнатилганини, “Бо-Зариф” фермер хўжалиги ер майдонида артезиан қудуқ мавжуд эмаслигини, “Бо-Зариф” фермер хўжалиги ер майдонида артезиан қудуқ мавжуд бўлмаганлиги сабабли “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонидаги сув коллектордан сув олиш ва ер майдонини суғориш учун 2 дона сув насосларини ўрнатганини, бироқ, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги томонидан электр энергияси тармоғига ўзбошимчалик билан улаб олинганлигидан хабари бўлмаганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган ўзбошимчалик билан ечиб олинган СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 ҳисоблагич ҳозирда қаерда ва ким томонидан сақлаб келинаётганлигидан хабари йўқлигини, бироқ, билганлари “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли ТП ичидаги ҳисоблагични у фото суратга тушириб олганлигини, суратларни тергов органига тақдим қилишини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига расмий равишда Д.Аминова раҳбарлик қилиб келишини, бироқ фермер хўжалигининг ишлари Д.Аминованинг ўғли А.Файзуллаев томонидан юритилиб, назорат қилинишини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли бўлган ер майдонида ўрнатилган қуввати 100 кВт.ли трансформатор “Барчиной издошлари” фермер хўжалигига тегишли эканини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалигида нечта нафар ишчи ишлашини билмаслигини, СЕ-303 русумли, завод рақами №00923317225761 ҳисоблагич “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонидаги фермер хўжалигига тегишли бўлган 100 кВт трансформатор пункти ичида ўрнатилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги ер майдонида 2023-2024 йилларда пахта ва ғалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилиб, етиштирилганини, “Барчиной издошлари” фермер хўжалиги пахта ва ғалла қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғориш мақсадида муқаддам

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

ўзларига тегишли бўлган 2 дона сув насосларидан фойдаланиб келинганини баён қилди.

Бундан ташқари, судланувчи А.Файзуллаевнинг айби қоидабузарлик ҳақидаги далолатнома, қайта ҳисоб-китоб маълумотномалар, экспертиза хулосалари, шунингдек тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзганинг мулкини ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарорининг 9^1-бандида, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан содир этилган тақдирда ЖКнинг 169-моддаси 2-қисмининг "д" бандида жавобгарлик кўзда тутилганлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.Файзуллаевнинг умумий фойдаланишдаги электр тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, анча миқдорда электр энергиясидан ўғирлик қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг "б,д" бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддасида, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шартлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

2-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи А.Файзуллаевга нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўлиқ бартараф этилганини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганини жазосини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътиборга олиб, ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари қонун санкцияда доирасида, жиноят содир этилган пайтда Республикада базавий ҳисоблаш миқдори 340.000 сўм қилиб белгиланганлигидан келиб чиққан ҳолда жарима жазоси тайинлашни, жарима давлат фойдасига ундиришни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд иш бўйича етказилган моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун ИЖҚК Департаменти Қашқадарё вилоят бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 50.000.000 сўм пул маблағларини Косон туман Электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказишни ҳамда жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун Қашқадарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 53.500.000 сўм пул маблағларидан 13.610.000 сўмини Косон туман Электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказишни, ортиқча тўланган 39.890.000 сўм пулларни судланувчи А.Файзуллаевга қайтаришни, иш бўйича зарар тўлиқ қопланганини қайд қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Файзуллаев Алишер Ахадила ўғли (Fayzullayev Alisher Axadila o‘g‘li) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18

Унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисмининг “б,д” бандлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида, яъни 13.600.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

А.Файзуллаевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун ИЖҚК Департамент Қашқадарё вилоят бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 50.000.000 сўм пул маблағлари Косон туман Электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш учун Қашқадарё вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 53.500.000 сўм пул маблағларидан 13.610.000 сўми Косон туман Электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилсин;

ортиқча тўланган 39.890.000 сўм пуллар судланувчи А.Файзуллаевга қайтарилсин.

Иш бўйича зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддатда шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи А.Бойбилов

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 28.01.2025

1-1811-2501/18